

---

## Қудашда “маҳаллабай” ишлаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси ўрганилди

“Маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этилгани ҳудудлардаги муаммоларнинг имкон қадар тезроқ бартараф этилишига ишончли замин яратди.

Бугун Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашев “Қудаш” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳудудда айна тизим асосида амалга оширилаётган ишлар самардорлигини ўрганди.

Аҳоли, хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларининг ҳал этилиши, маҳаллада тадбиркорликни йўлга қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Туман аҳолисининг қарийб 3 минг 300 нафар қисмини ўзида жамлаган йиғин учун бундан икки йил аввал замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва барча шароитларга эга маҳалла идораси фойдаланишга топширилган.

Шунингдек, учрашув давомида кеча, 26 сентябр куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш чоратадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидан келиб чиқадиган вазифалар ва уларнинг ижросига алоҳида тўхталинди. Давлатимиз раҳбари томонидан айна йиғилишда берилган топшириқларни шу маҳалла мисолида ҳам сифатли бажариш юзасидан маъсулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш тадбирларини ташкил этишда натижадорликка эришиш юзасидан мутасаддиларга аниқ вазифалар топширилди.





2023-09-27 18:42:53